

O'ZBEKISTON

OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIIY
GAZETA



• 2005-yil • 13-oktabr • Payshanba • 127 (27.462) • www.uzbekistonovoz.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

• **ЎзХДП янгиликлари**

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Тожикистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва муқор элчиси Фуломжон Мирзаев қабул қилинди. Мазкур учрашувда томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Элчи билан суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кен-

гаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Латиф Гуломов, Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси раиси Аслидин Рустамов ва Марказий Кенгаш раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимкул Қаримов иштирок этдилар.

АМАЛИЙ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Жорий йилнинг 12 октябрда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДПнинг «Истиқбол» ёшлар экологик бирлашмасини ташкил этиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари ва Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларининг аҳоли бандлиги ҳамда ижтимоий сиёсатга дахлдор асосий вазифалари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Ижроия мажлиси ёшлар сиёсати соҳасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурда белгиланган устуворликлар, шунингдек барча даражадаги партия кенгашлари ва ташкилотлари қоида ёшлар бирлашмалари ташкил этиш ҳақидаги Ўзбекистон ХДП Устави қоида-

ларида ишчилик билан амалга ошириш мақсадида «Истиқбол» ёшлар экологик бирлашмасини тузиш бўйича ташаббускор гуруҳ таркиби, бирлашма Низоми лойиҳаси, жойларда ташкилий конференциялар ўтказишга тайёргарлик қўриш масалаларини атрофлича муҳокама қилди.

Шунингдек, Ижроия қўмита мажлисида партия билетининг янги намуналари, партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги масалалар ҳам қўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шу кунги партия Марказий Кенгашида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда партия ҳаётига доир қатор, жумладан 2005 йилнинг 13-14 ок-

тябрда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтадиган икки кунлик, давлат ҳокимияти вакиллик органларидаги ХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари учун Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида шу йилнинг ноябрь ойида ўтказиладиган минтақавий семинарлар ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон ХДП ташкил топган куннинг 14 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказиш, 2006 йил учун партия матбуотидаги обуна ни ушатириш, маҳаллий партия ташкилотларида аёллар ва ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ишларни жонлантириш ҳақидаги ва бошқа масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

Хаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

БОҒЧА-МАКТАБ: ТАЪЛИМДАГИ УЙҒУНЛИК

Кадрлар тайёрлаш узоқ давом этадиган жараён бўлиб, у ҳар биримиздан, такрорлайман, ҳар биримиздан астойдил, бетиним, изчил меҳнатни талаб этади.

Ислом КАРИМОВ



Фарзандларимизга гўдаклигиданоқ таълим-тарбия бериш, уларни юксак салоҳиятли инсон бўлиб вояга етиши учун курашиш бугунги энг муҳим вазифаси. Баркамол авлод орзу-си мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тизимининг руҳига асосланган бўлиб, 1998 йилдан «Ором» таълим-тарбия маркази мақомини олган

бушбу масканнинг бугун кўпчиликка маъқул бўлаётган томони, таълим-тарбиядаги уйғунлик, яъни узлуксиз таълимнинг икки асосий бўғинини камраб олишидир. Айни пайтда 238 нафар бола тарбияланаётган боғча гуруҳида барча шароитлар муҳайё. Бу ердаги кўнрақ театри, миллий бурчак, қўнот, экология, шунингдек, маънавият ва маърифат хоналари чиройли безатилганлиги,

бола кўнгли ва дидига мос жиҳозлар ўрнатилганлиги билан кишида ҳайрат уйғотади. Кўнрақ театрининг мўъжазгина залида болаларга мос ўриндиқлар қўйилган, тўғрида томошалар саҳни. Тарбиячи Муяссар Аҳмад-жонованинг айтишича, ушбу театр томошаларида намоиш этилаётган кўнрақчиларни боғча тарбиячиларининг ўзлари ясайди. Боғча тарбияланувчилари кун-

нинг иккинчи ярмида кўл меҳнати билан шуғулланади. Тўғрактарни эса бевосита мактаб ўқитувчиси олиб боради. — Болаликни бежиз ниҳолга қўйсалаймиз. Бу даврда фарзандларимизга қанчалик тўғри ва оқилона тарбия берилса, эртага мана шу жажжи ниҳол азим дарахга айланади, — дейди «Ором» марказининг мактабга тарбия бўлими раҳбар ўринбосари Моҳира Аҳмедова. — Шунга ҳисобга олиб марказимизда болалар эстетик дидини тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Шу кунга қадар бизнинг тарбияланувчиларимиз Мустақиллик ва Наврўз байрамларида, қолаверса республика миқёсидаги кўнрақ кўнрақчиларда қатнашиб келишмоқда. Бу ишларда эса олдинги раҳбаримиз, ҳозирда эса Уттепа туман халқ таълими бўлими мудири Гулнара Қўчқорованинг алоҳида хизматлари бор.

«Ором» марказида тарбияланувчи ва ўқувчиларга Давлат таълим стандартлари асосида билим берилди. Ҳозирги пайтда бу ерда 47 та синф мавжуд бўлиб, таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Бундан ташқари, мазкур даргоҳ она тили, инглиз тили ҳамда мусиқага ихтисослашган бўлиб, ўқувчиларга ушбу фанлар чуқур ўргатилади.

— Марказимиз 2003 йили Япония грантини қўлга киритди. Утган йили эса икки нафар ўқувчимиз Англияга таҳсил олишга юборилди, — дейди ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Райхон Мамедова. Дарҳақиқат, биз ҳикоя қилаётган марказда бир неча хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўқувчилар Италия, Ҳиндистон, Япония каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро анжуман ва танловларда иштирок этиб келишмоқда.

— **Матнозар ЭЛМУРОДОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: «Ором» таълим-тарбия маркази фаолиятидан лавҳалар.

ПАХТА ЯРМАРКАСИДАН ҲАММА МАНФААТДОР

Тошкентдаги Биринчи Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркасида дунёнинг 26 мамлакатидан, 200 дан ортиқ фирма ва компаниялар вакиллари ташриф буюрди.

— Мазкур тадбир дунё пахта бозорининг етакчиларидан саналувчи Ўзбекистон ўз давлатини сақлаб қолиш билан бирга ўз энгил саноатини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратаётганидан далolat беради, — деди «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Швейцариянинг «International Cotton Trading Limited» компанияси вакили Жованни Серимедо. — Айни пайтда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган пахта толасининг 30 фоизи маҳаллий корхоналар томонидан қайта ишланмоқда. 2008 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоиздан ошиб кетади. Бу эса мамлакатнинг нафақат пахта етиштириш, балки уни қайта ишлашда ҳам улкан салоҳиятга эга эканини англатади.

Шу ўринда ўзбек пахтасининг сифати йилдан йилга яхшиланиб бораётгани ҳам алоҳида таъкидлашни истардим. Бу нарсани Ўзбекистон бозорига ўн беш йилдан буён фаолият юритаётган компаниямиз ўз тажрибасида кўрмоқда. Биргина ўтган йили биз мамлакатингиздан 45 минг тонна пахта толасини сотиб олдик. Аминман, бу йилги кўрсаткичларимиз ҳам ўтган йилгидан кам бўлмайди.



Хиндистоннинг «Nagar Export limited» компанияси вакили Гушаран С. Дхеманинг айтишича, кўп йиллар давомида унинг компанияси ўзбек пахтасини америкалик трейдерлар орқали харид қилган.

— Хар йил бизнинг кийим-кечак ишлаб чиқарувчи корхоналаримизга 100 минг тоннага яқин пахта толаси керак бўлади, — дейди хиндистонлик ишбилармон, — ва ҳар йили биз бу масалада америкаликларга муносабат қилар эдик. Лекин бу йил Тошкентда пахта ярмаркаси ўтказилишини эшитиб, унда иштирок этишга қарор қилдик. Натияжада, биз Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан бевосита алоқа ўрнатиш имконига эга бўлдик.

Буюк Британиянинг «Grand Egan Trading» компанияси ваколатхонаси раҳбари Адхамжон Усмоновнинг таъкидлашича, Тошкент ярмаркаси европалик бизнесменларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ҳозирги кунда Европанинг энгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи аксарият фирма ва компаниялари Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё минтақаси мамлакатларига сармоя киритишга ошқоқмоқ-

да. Сабаби, бу ердаги ишчи кучи Европада нисбатан анча арзон ва устуға-устак, мазкур минтақадаги истеъмолчи бозори ҳам жадаллик билан кенгайиб бормоқда.

— Бу бир тарафдан пахта толасининг нархи бирмунча арзонроқ бўлишини таъминласа, бошқа жihatдан Ўзбекистондан олинган пахта ни Осиёда жойлашган энгил саноат корхоналарига етказиш ҳам бир неча баробар камҳарж бўлишига хизмат қилади. Шунинг учун бу ярмарканинг ўтказилишидан барча манфаатдор, деб бемалол айтиш мумкин.

Бобур СОБИРОВ,
«Жаҳон» АА

Ўзбекистон Республикаси Олий судида

Хабарингиз бор, уч ҳафтадан буён Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатларининг энг фалол иштирокчилари ҳисобланган 15 нафар айбланувчи устидан суд жараёни давом этмоқда. Бугунги кунга келиб барча айбланувчиларнинг кўрсатмалари тингланган бўлиб, Судда жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатма бермоқдалар.

Гувоҳ Тохир Аҳмадалиев: — Шаҳар прокурорини 3 киши пистолет қадаб уриб олиб кетаётганини кўрдим. «Хотинлар, сизлар чингиллар ҳарбийлар сизларга ўқ узолмайди. Бизларни тўсиб турасизлар», деган гаплар бўлди. Катта йўлдан «УАЗ» машинаси ўтиб қолди. Унга қараб ўқ узиш бошланди. Шунда қуролланганларни тартибга чакориш учун кўрағида медаллари бор отахон келиб насихат қила бошлаган эди, уни ҳам ичкарига олиб кириб кетишди. Қараб турсам, ёвузлар чангалига тушиб қолганини ҳис қилдим. Бироқ, тўпналганларнинг ичидан ҳеч ким ташқарига чиқиб кетолмас эди. Бир-икки киши чиқишга уринишган эди, уларга қарата ўқ отишди... Унга судга раислик қилувчи, давлат айбловчиси, адвокатлар томонидан саволлар берилди: — Айтинг-чи, сизнинг турар жойингиз ҳокимият биносидан

олдига келиб қолдингиз? — Шу ерда туғилганман. Қизиқ-қизиқ тўғайиб чиқдим. Тинч аҳоли бир-иккитаси ўлиб ётганимиз, деган гап-сўзларни эшитиб чиқдим. — Ҳокимият олдида келганимизда қуролланган одамлар бор эди деяписиз? Тахминан қуролланган одамлар қанча киши эди?

кетаётганлигини кўрдим, дедингиз. Ана шу ҳолатни батафсил тўғайиб бериш. — Бизнинг душманамиз бу, душманамиз деб уриб олиб кириб кетишгаётгани. — Сўнгра гувоҳ Валижон Акбаров-чангиз эди. Айтинг-чи, ҳозир сиз кўргазмаларингизда айтиб ўтдингиз.

ни қайтиб кетмаслиги учун қуролланган шахслар одамлар атрофида заңжириммон туришувди. — Айтинг-чи, сиз ҳарбий хизматда бўлганимиз? — Бўлганман. — Демак, қурол бўйича тушунчангиз бор. Айтинг-чи, ҳозир сиз кўргазмаларингизда айтиб ўтдингиз.

нидан биз у ердан чиқиб кетамиз деганимизда куч ишлатилди. Мен аввалда у кимлигини билмаганман. Кейин менга расми кўрсатилганда номини билганман. «Аёллар ўтирибди, сен шулардан ҳам баттаримсан», деганди у.

Диққат, янги рунк: БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Мамлакатимиз Мустақиллигининг илк кунлариданоқ инсон эрки, унинг бахт-саодати — бош боғга айланди. Инсон омилга олий қадрият сифатида ёндашиш бошланди. Ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳалларини эркинлаштириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширила бошланди. Зеро, биз ўз кучимизга, ўз ақл-заковатимизга, ўз миллий аъёнларимиз ва қадриятларимизга таянган ҳолда ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлдан бораемиз...

Барчамизга равшан, ўтган 14 йил мобайнида қанча-қанча суронли кунларга дуч келмадик. Ҳаёт бизни не-не синовлардан ўтказмади. Ва бугун ҳам узоқ ва яқин атрофимизда содир бўлаётган нотинчликларни инобатга оладиган бўлсак, биз қандай таҳликали замонда яшаётганимизни тасаввур қилиш қийин эмас...

Мана шундай вазиятда мустақиллигини тобора мустаҳкамлаш, эл-юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб, ўзининг олийжаноб фазилатлари билан бутун халқимизга, айниқса, ёш авлодга намуна бўлиб келаётган юртдошларимиз оз эмас. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, улар «... безенди далаларда ёки қорхоналарда бўладими, мактаб ёки олий ўқув юрти, тиббиёт ва маданият, хизмат кўрсатиш соҳаси бўладими, барча жаҳалларда фидокорона меҳнат қилиб, том маънода ватанпарварлик намунасини кўрсатаётган, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг юкини елкасида кўтариб келаётган...» юртдошларимиздир.

Биз бундан буён ана шундай меҳнатсевар, ташаббускор, ватанпарвар юртдошларимиз, ҳақида газетамиз саҳифаларида муттасил ҳикоя қилиб бориш мақсадида «БУГУННИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИ» рункини очаяпмиз. Хизмат вазифини бажариш жараёнида жасорат ва матонат кўрсатаётган замондошларимиз ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

Тахририят эълон қилинган энг яхши материалларни «ЎЗБЕКISTON OBOZI» КУТУБХОНАСИ» туркумида китоб қилиб чиқаришни ҳам режалаштирдик. Уларнинг муаллифлари нафақат журналистлар, балки шоирлар, ёзувчилар, санъат ва маданият арбоблари, маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари, кўйинг-чи, қўлида қалами бор барча касб эгалари бўлиши мумкин.

АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

қанча масофада жойлашган? — Ошиб кетса, 1,5-2 км. келлади. — Сиз кўргазмангизда бизнинг уй томонларга қора тунулар келаяпти, деб айтдингиз. Ниманинг тунуларни эканлигини билдингизми? — Бакиров номли кинотеатрнинг ёнаётган оловчи баланд эди. Охунбобоев театри фақат тутаетган эди. — Аҳмадалиев, айтинг-чи, сизнингча кинотеатр биноси нима учун ёки юборилган экан? Уйлаб кўрдингизми? — Менинг фикрлашимча, одамларни жалб қилиш учун эди. — Сиз ҳокимиятнинг олдида эр-талаб келиб қилишингизга сабаб ўзингизни қизиқтирингизми ёки кимнингдир даъвати биланми? Хуллас, нима сабабдан ҳокимият

— Куролланган одамлар тахминан 150-200 га яқин эди. — «УАЗ» автомашинаси келиб қолди. Шунга овера бўлиб туришганда қўриб кетдик деяписиз? Агарда автомашина келмай тўғридан-тўғри чиқиб кетганларингизда нима бўлиши керак эди? — Очидан-очик чиқиб кетганимизда орқамиздан ўқ узишарди. — Кўргазмангизда гапириб ўтдингиз. Террорчилар ичиде турли шевадаги одамлар бор эди дедингиз? — Уларнинг гапираётган гаплари Андижон шеvasига ўшмайди. Кўнхон шеvasини сал билман. Лекин... — Сиз айтдингиз, шаҳар прокурорини уриб-тепиб олиб кириб

ган одамлар бор дедингиз. Сизнинг назарингизда улар қанча эди? — 100-200 атрофида бор эди, тахминан. — Кўрсатмангизда улар гапиришгаётгани, лекин бу гаплар менга тўғри келмаган гаплар эди, дедингиз. Айтилган гаплар нима тўғрисида эди? Уларнинг нима гаплари сизга тўғри келмади? — Халифалик тузиш ҳақидаги гаплари менга маъқул бўлмади. — Атрофини қуролланган шахслар заңжир қилиб ушлаб туришганлигини айтдингиз... «Заңжириммон» деб айтганингизни тушунтириб берсангиз? — Менинг билишимча, ҳокимият биноси олдида тушуниб ёки тушунмай келиб қолган одамлар-

гиз, қуролланган кишиларни 200 га яқин дедингиз. Уларнинг қўлидаги қуроллар қанча қуроллар эди? — Қўллариде автомат қуроллари бор эди. — Ҳокимият олдида қуролланган шахсларни кўрдим дедингиз. Кўнчилигингиз ичиде мана шу 15 нафар судланувчиларни кўрганмишсиз? — Бу ерда танишлар йўқ. Гувоҳ Фозиевга айбловчи саволи: Ҳокимият олдида ҳукумат кучларини кўрганмишсиз? — Ҳокимият атрофида ҳукумат кучларини умуман кўрмаганман. Адвокат: Фозиев, айтинг-чи, қуролланган шахслар томонидан куч ишлатилдингизми? — Қуролланган шахслар томо-

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61. Faks: 133-20-74
WWW.tshbmn.uz E-mail: info@tshbmn.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Диққат, янги рукн: Бугуннинг қахрамонлари

Т ахтакўпир — Ўзбекистоннинг шимолӣ туманларидан бири. Бу ерда айни шу ном билан юритиладиган — «Таштакўпир» ширкат ҳўжалиги бор. Қорақалпоғистонликлар мазкур ҳўжаликни тилга олсалар, Ағитой Адиллов деган инсонни, оғаннинг ўзи ҳақида гап кетганда эса — «Таштакўпир» ширкат ҳўжалиги жамоасини тушунишад...

ёқдан-бу ёққа юраркан, аллақандай ва аллақанча рақамларни бир-бирига «уриштириб», ҳаёлан ҳисоб-китоб қилишга тушди: «945 тонна ўрнига 1500 тонна... Бугун эса 1750 тонна... Ширкатда 10 та бригада... демак, ҳаммасида режа ўртача 165-185 фоиздан бажарилди... Рентабеллик белгиланган 8,2 ўрнига — 34,2... Бу — 41,7 фоиз дегани... Даромад — ўтган йили 743 миллион сўм эди, бу йилгиси — плюс-минус... 1 миллиарддан ошайпти... Соф фойда 200 миллион сўмдан зиёд... Биргина бизда шунча бўлса, республика бўйича... Уҳ-ҳў... бу ёғини ҳисоблашга компьютер керак энди...» Шу пайт ширкат бош агрономи Нуратдин Актабоев кириб келди, уни кўриб чехраси янаям очилгандек бўлди.

тарчасини олди-да, 2005 йил: «Чорва», «Галла» деб ёзилган саҳифаларга кўз ташлади: галла — режа 1069 тонна эди, етиштирилди — 1600 тонна, режа 149,7 фоиз бажарилди. Чорва — қорамоллар бош сони мўлжалга кўра 836 тага етиш керак эди — 856 бош бўлди. Шундан: сигирлар — 238 бош, 144 та бузоқ олинди... У дафтарчасининг кейинги бир саҳифасига ҳам кўз ташлаб, «50 миллион сўм», «17.8400 сўм» деган навбатдаги рақамларга тикилди-да, пичирлади: Биринчиси — ҳўжалик аъзоларига берилган дивиденд пули, иккинчиси — уларнинг йиллик иш ҳақи... Мана бу — «24.73080 сўм» эса аҳолининг ночор қатлами — кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз кексалар ҳамда ногиронларнинг ижтимоий муҳофазасига ажратилган маблағ... Оға фермага келганда биз уни меҳнат фахрийси, Қорақалпоғистонда хизмат

ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга ғишт заводи, кунгабоқар ёғи тайёрлаш цехи, ун ва шили тегирмонлари, уй-рўзгор буюмларини ташмирлаш устaxonалари ишлаб турибди... Учинчиси: «Ҳўжаликнинг ҳусусий тижорат банкни айтмайсизми... Унга ширкатда ишловчиларнинг ҳаммаси — миждоз. Уларнинг газ, электр энергияси, сув ва бошқа коммунал хизмат турлари учун тўловлари шу банк орқали амалга ошириляпти...» Ниҳоят Ағитой оғаннинг ўзи билан гаплашяпмиз. Унинг офтобда қорайган, аммо чайир ва бақувват ҳусуси эдга оғаннинг ҳаёт йўлидан ҳўжа қилар эди. Сўзлари ҳам маъно-мантқиқли, дангал экан — Ҳаётда, ишлаб чиқаришда қадамларимиз дадил, жадал бўлмаса, — сўз бошлади у, — бу давлатга ҳам, қолаверса



АГИТОЙ ОҒА

...Булар Ағитой оғаннинг бугунги мартабалари — ҳўжа қилди Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари Алписбой Ибодуллаев. — Ҳалол меҳнат, покиза дил, ғайрат-шижоат ва меҳру-мурувату бағри кенглик хислатлари унинг обрўсига доим обрў қўшиб келади. Хусусан, юрт олдидаги хизматлари мамлакатимиз Мустақиллиги йилларидагина қадр тоғди: 1990-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Халқ депутати, 1995-1999 йилларда Биринчи қаҳирқ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати, 1999-2004 йилларда иккинчи қаҳирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати бўлиб сайланган... Барчаси унга бўлган эл-юрт ишончи...

Нукусдан Алписбой Ибодуллаев кўнғироқ қилди. Сен, ҳўжалигимизда бошланғич партия ташкилотининг котиби ҳамсан-ку, шундайми? Сени сўради... Партиядошларимизнинг йиғим-теримдаги иштироки қизиқтирапти уни... Йўқ эдинг, ўзим билганимча жавоб бердим: «Бошланғич партия ташкилотиде юздан ортиқ аъзо бор. Асосий қисми ишлаб чиқаришда... Мавсумда беш гуруҳга жиплашиб фаолият кўрсатишяпти. Уларга Серик Пиралиев (бош ҳисобчи), Жумамахмад Жўлмирзаев (ўсимликларни ҳўжа қилиш бўлими раҳбари), Нурлибек Қораболаев (машина-трактор устaxonаси мудири), Обой Айтиев (ветеринар), Ўнгар Еркабулов (ширкат ходими) бош-қош...» деб, сени ўзининг ҳам мақтаб қўйдим, хурсанд бўлди...

қўрсатган қурувчи Карим Романов билан бирга кутиб тургандик. Карим оға у кишини 40 йилдан бўён биларкан: — ...Республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликнинг қурилиш бўлимида ишлаган кезларимда, — эслади у, — Ағитой «Боршито» ҳўжалигида бош ҳисобчи ўринбосари эди. 1976-77-йиллар эди, шекилли, у бу ерга — «Таштакўпир»га раҳбар бўлиб келди. Ишни қурилишдан, экин майдонларининг мелiorатив ҳолатини яхшилашдан, ирригация иншоотларини тиклашдан, машина-трактор паркни тартибга келтиришдан бошлади. Энг муҳими, Ағитой, мана шу кенг қамровли ишлар билан бирга аҳоли турмуш тарзига алоҳида эътибор қаратди. Ҳатто, қурғоқчилик йилларида ҳўжалик аҳлини келаси йил пишиқчилик давригача: ойлук маошлари борми, пенсия ва нафақалари борми, ун, ёғ, гуруч сингари кўндалик эҳтиётжалаб озиқ-овқат маҳсулотлари борми — ҳаммаси билан мунтазам таъминлаб туриш йўлларини қидирди. Уддасидан чиқди ҳам...

аҳолига ҳам қимматга тушади... Дехқон не-не умидлар билан ерга уруғ ташлайди, тинмай йишлайди, қора терга ботади — ҳосил ундирди... Кўкмада ноғохон келган совуққа, дўлга, селга кўксини қалқон қиладди. Саратонда жазирама билан олишади. Ҳосилни ёғин-сочилни қунарға қолдирмай деб, ўрим-йиғимда бола-чақаси билан далага чиқади. Қолаверса, у яқинда Президентимиз Ислам Каримов ҳудудимизга келганда айтганларидек, йил бўйи қилган меҳнати самараси хирмонларга уйилганда қўлига қирадиган даромадини ҳам йўлайди... Даромаддан кўнгли тўладими-йўқми, бу — ўша жойдаги катта-кичик раҳбарларнинг ишчанлиғига, гамхўрлиғига, иш кўзини билдишга боғлиқ...

Партияимиз ўз сафларида шундай аъзолари борлигидан беҳад фахрланади... Кўз бошланғич, далаларда мезон иплари учиб юрган кунлар. Кечагина қуюқ соя ташлаб турган дов-дарактларнинг япроқлари атрофга шитирлаб тўкилади. Ариқларда сўмбула суви тўла... Даладан ҳориб келган Ағитой оға иш кабинетига кирди-да, телефонга тикилганча, анча ўтириб қолди. Мудроқ олиб кетаётган кўзларига ҳўкими ўтмади. Бироздан сўнг у уйқусини тарк этиб ўрнидан туриб, телефон гўшагини олди. — Қани менга пунктни уланг-чи... У пунктдаги ширкат вакили билан узоқ гаплашди: «...Кейинги борган тележадаги пахта ўтдими? Қайси сорта қабул қилинди?» — сўраштирди. Аввалига мўлоим, охишта гапириб туриб, кейин бирдан туюқиб кетди: — Нега талашмадинг? Лаборантлар иккинчи сорт деса индамай туравердингми? Одамларни — теримчиларни уйландингми? Қайтадан текширтсанг бўлмасмиди? Ўша пахта жўнатилётганда ўзим хирмонда эдим... Нақ биринчи терим пахтасидай эди...

— Боллабсиз, раҳмат, йўқлигини билдирмабсиз. Мен кечаги подбор йиғадиган агрегатинг ишдан чиққан болтини деб... — Ие, ростдан ҳам у иш нима бўлди? Ё ҳали ҳам подборчилик тўхтаб турибдими? Шунча одам битта болти... — оға феллига кўра яна бироз қизишган бўлди. — Турки-я, — деди ҳосилот хижолат тортгандек, — қўлда ясалгани ярамайди-да, агар яраганида, битта болт экан-у, бир кунда юзтасини дўндиришди ташлардик... Дастгоҳ бўлмаганидан кейин... Улар бирпас жим қолишди. Вазиятдан чиқиб йўлини қидиришди. Туман маркази — Таштакўпирга бориб келишдан бўлак чора топишолмади.

Одамлар ҳамени пулга, кўраси мол-ҳолга, омбори ғалага тўлса, раҳбарнинг баҳоси — беш. Харажат олиб кетиб, қўлга тегадиган пул билан кўрасидаги моли ва омборидаги ғалласининг чўғи бўлмаса — икки!.. Ҳосил қимматга тўрса, сарф-харажат кўпайиб, таннарх ортса, бунга даладаги захматқаш дехқон билан тракторчи айбдорми? Аксинча, ишни тўғри ташкил этилмай, режасини етти ўлчаб бир кесолмай, фақат юқоридан кўрсатма кутиб ишлашга кўниккан раҳбар айбли... — Оға, — сўзини бўлдиқ унинг, — бировлар ҳарчанд елиб-югурса ҳам ҳеч омади келмаган ҳоллар бўлади-ку? — Э-э, бу қуруқ гап. Дехқончилик, чорвачилик... булар мутлақо бошқача соҳалар, иниларим. Биров бир сўм сарфлаб, ўн сўм фойда олади. Унинг ёғиндаги ҳўжаликда эса қанча елиб-югурмасин олган даромади харажатики зўр-базўр қолайди. Мақол бор-у: «Фалончининг тинимий йўқ, қилган ишининг унуми йўқ» деб... Бунақа фарқ — туманлар ва катта ҳўжаликлар ўртасидагина эмас, кўни-қўшни фермерларда ҳам учраб туради. Биров бир ердан ўн-ўн беш центнер ҳосил олади, биров худди шу ердан ўттиз-қирқ центнердан ҳам ошириб юборди...

Одамлар ҳамени пулга, кўраси мол-ҳолга, омбори ғалага тўлса, раҳбарнинг баҳоси — беш. Харажат олиб кетиб, қўлга тегадиган пул билан кўрасидаги моли ва омборидаги ғалласининг чўғи бўлмаса — икки!.. Ҳосил қимматга тўрса, сарф-харажат кўпайиб, таннарх ортса, бунга даладаги захматқаш дехқон билан тракторчи айбдорми? Аксинча, ишни тўғри ташкил этилмай, режасини етти ўлчаб бир кесолмай, фақат юқоридан кўрсатма кутиб ишлашга кўниккан раҳбар айбли... — Оға, — сўзини бўлдиқ унинг, — бировлар ҳарчанд елиб-югурса ҳам ҳеч омади келмаган ҳоллар бўлади-ку? — Э-э, бу қуруқ гап. Дехқончилик, чорвачилик... булар мутлақо бошқача соҳалар, иниларим. Биров бир сўм сарфлаб, ўн сўм фойда олади. Унинг ёғиндаги ҳўжаликда эса қанча елиб-югурмасин олган даромади харажатики зўр-базўр қолайди. Мақол бор-у: «Фалончининг тинимий йўқ, қилган ишининг унуми йўқ» деб... Бунақа фарқ — туманлар ва катта ҳўжаликлар ўртасидагина эмас, кўни-қўшни фермерларда ҳам учраб туради. Биров бир ердан ўн-ўн беш центнер ҳосил олади, биров худди шу ердан ўттиз-қирқ центнердан ҳам ошириб юборди...

У сўнги «алло, алло»га қулоқ солмай, гўшақни тақ этиб жўйма қўйди. — Таваба, биз бу ёқда қон кўйдириб ташвиш тортсанг-у, у ёқда... Оға совиб қолган чойни ҳўплаётиб, котиба деворга илеб қўйган маълумотномага кўзи тушди, яқинроқ бориб тикилди ва уйқусизликдан қизарган кўзлари қақнаб кетди: «Мамлакатимиз президенти 21-22 сентябрь кунлари воҳага келиб-кетганларидан кейин ҳам шартнома режаси бажарилганига қарамай — 20 фоиз ўсishi берилмиш...» — кўнглида суюнди у. Юзидаги ҳоригиллик йўқолди. Хонада у

Романовнинг таърифи бизга кеча — Нукусда ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашида оға ҳақида бўлган яна бир қатор суҳбатларни ҳам эслатди. Биринчиси: «Ағитой Адиллов ширкат ҳўжалиги аъзоларига шахсий уй-жой қуришида, улар ўтказаятган тўй ва маросимларда олинаётган соф фойда ҳисобидан доим кўмак бериб келади. Масалан, бугунгача ширкатда 22 оилага уй-жой қуриб берилди. Ҳамама хонадонлар ичимлик сув ва газ билан таъминланган. Йўллар асфальтланган... Янги мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари қурилган...» Иккинчиси: «Ҳўжаликда бандлик дастурига кўра аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида йилига 1 миллион дона

минибанк фаолият ҳажмини кенгайтириш учун қулай имконият яратди. Ҳўсбот йилнинг 8 ойи давомида янгидан ҳисоб рақамини очган ҳўжалик субъектлари сони 800 тага ошди, банк акциядорлари сони эса 3000 тани ташкил этди. Банкнинг 2005 йил 1 сентябрь ҳолатига кредит қўйилмалари жами 25,1 млрд. сўмга етди. 2005 йил давомида қишлоқ ҳўжалиги ва «Агротехсервис» корхоналарига ҳар хил русумдаги тракторлар, шу жумладан «Олтой» русумли Т-4 трактори ва бошқа эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 2,0 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Шунингдек, лизинг асосида 2 та муқобил машина-трактор паркига 2 дона «ДОН-1500 Б» русумли комбайн олиб берилди. 2005 йил давомида қишлоқ ҳўжалик корхоналари ҳамда фермер ҳўжаликларига пахта ва галла ҳосилни етиштириш мақсадида ҳам 15,4 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шундан пахта ҳосили учун 14,0 млрд. сўм ва галла

ҳосили учун 1,4 млрд. сўм. Шунингдек, вилоятда 43 та зарар ҳўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат ҳўжаликларини фермер ҳўжаликларига айлантириш боис уларга хизмат кўрсатиш учун

Қарши шаҳар аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш ва иш билан таъминлаш меҳнат бўлимида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда бу ерда 2005-2007 йилларга мўлжалланган иш билан банд бўлмаган шаҳар хотин-қизларини янги ва муким иш жойлари билан таъминлашнинг асосий йўналишлари ҳамда кўрсаткичлари дастури ишлаб чиқилди. Бўлим ташаббуси билан оилавий тадбир-

корликни қўллаб-қувватлаш йўлида чорвачилик, паррандачилик, тикуччилик, зардўзлик билан шуғуланмоқчи бўлган 150 нафарга яқин оилавий тадбиркорларга миникредитлар берилди. Шулардан 100 нафарга яқинроғини тадбиркор хотин-қизлар ташкил этади.

Умуман олганда, АТ «Пахта банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айландирмасига жалб қилиш, мини-банклар тармоғини кўпайтириш, банкни капиталлаштиришга қаратиб, омонатчилик, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредитори манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ўзининг стратегик ривожланиш бизнес режаси кўрсаткичлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш бора-сида кўпгина ишлар олиб бормоқда. Вилоят бошқармаси тасарруфидан барча туманларда жойлашган 17 та филиал ва 30 та

ҳосили учун 1,4 млрд. сўм. Шунингдек, вилоятда 43 та зарар ҳўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат ҳўжаликларини фермер ҳўжаликларига айлантириш боис уларга хизмат кўрсатиш учун

га, ғайратига, маҳоратига боғлиқ. Дехқон ҳам шундай. Унинг дастгоҳи — ер, техника... Ишлата олса — ёмон ердан ҳам яхши ҳосил олади, ишлата олмаса, яхши ерни ҳам бузиб қўяди... Энг муҳими, ўзинг билан бирга ишлаётган одамларга доим яқин ва маслаҳатдош бўлиш керак. Кўнглини тополсанг ва хизматингни аямасанг, уларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаб берсанг бўлди — сиз учун ҳам, ўзи учун ҳам, ҳаيات учун ҳам ишлайди, жонини жабборга беради... Оғаннинг гапи шу ерга етганда ферма ҳовлисига изма-из тўртта тележка келиб тўхтади, ҳаммасининг устида бунтлаб ортилган хашак. — Ана, қишлоғга ҳозирлик, — деди оға уларга ишора қилиб. Тракторчилар югуриб келиб, аввал раис, кейин бизлар билан кўришди. Оға бирма-бир таништирди: Бекбергён Пахатов, Жарилқал Кенжебаев, Адилхон Иноятлов, Мergenбай Қайпов — ҳаммасида янги трактор... Кеча пахтадан ортиқчаларини олиб, бугун хашак ташшига ташлади... Ҳўжалигимиз сўянчлари, булар... — Тракторларингиз кўп экан-да? — сўрадик. — Кў-ўп... Эслайсизми, тунов йиллардаги қийин кезларда кўп ҳўжаликлар ўзларини эплай олмай, техникаларини сотди, баъзилари «списат» қилиб юборди. Биз эса бирортасини ҳам қўлдан чиқармадик. Ҳатто «списат» қилинганларини ҳам жойлардан йиғиб келиб, таъмирладик, сафга қўшдик. Шуларнинг эвазига сўнги йилларда 1 миллиард 57 миллион сўм соф фойда олдик. 50 фоизини одамларнинг иш ҳақида дивиденд қилиб бердик. 510 миллион сўмига қўшимча янги техникалар олдик: Россиядан 204 миллион сўмга 4 та комбайн, Беларуссиядан 136 миллион сўмга ғўза қатор ораларига комплекс ишлов берувчи 8 та трактор сотиб олдик. Бу йил ҳам Украинадан 2 та «Т-150» ҳайдов тракторини 108 миллион сўмига келтирдик. Тошкентда ишлаб чиқарилаётган техника воситаларидан 40 миллион сўмлик харид қилдик... Қарабсизки, ишда унум бор, маҳсулот таннархи арзон, меҳнаткор манфаатдор... Оғаннинг қўл телефони хиринглаб қолди. — Алло... Ҳа, Нуратдин, нима гап? Болт топилди... Яша! Нечта? Унта... Зўр... Подборчилик ишляптими? Молодец!.. У бугунги ташвишлардан яна бири ҳақ бўлганидан мамнун бўлиб, биз томон ҳўланди ва деди: мана шу одамларимиз ҳақида ёзинглар, иниларим. Шулар хурсанд бўлса, мен ҳам хурсанд, шуларнинг кўнгли тўлса, менинг кўнглим тўлади, бовурларим бут бўлса, менинг ҳам бовирим бут... Ҳаммамизнинг ташвишимиз, мақсадиимиз битта: мамлакат обод ва тўқис бўлса — рўзгоримиз ҳам обод, тўқис, фаровон... Шу осийишта ҳаётимизни кўрполмаётган, океанлар ортида юриб тош отаётган баъзи бировлар ҳатто ўзингдан чиққан нокасларнинг қилиғини кўриб, эшитиб қайрон қоламан, ҳой инсон, сен ўзинг бу халқни биласанми, бу юртга нима хизматинг синди-ку гапирасан. Бу юртда кўчат ўтказдингми, бирорта бинога ғишт қўйдингми... Қўй бизни тинч ишлаб, тинч яшашга. Нима қиласан одамларни безовта қилиб, йўлдан уриб? Ахир гуноҳга ботасан-ку. — Тилагим, — давом этди у, — ҳаммамизнинг уйда қозони қайнаб, юрти, оиласи тинч, хотиржам бўлсин...

КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан Тожикистон алюминий заводи салбий таъсир қўрсатаётган минтақадаги экологик вазият ҳақидаги масалани ўрганиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг комиссияси тузилган эди. Мазкур комиссия ўз олдида қўйилган вазифаларни бажаришга киришди. Комиссия аъзолари ўтган мажлисларда Соғлиқни сақлаш вазирилик, Табиати муҳофаз қилиш давлат қўмитаси, Экосан халқаро ташкилотининг Сурхондарё вилояти шимолӣ туманларидаги экологик вазият юзасидан ахборотларини ашитган эди. Қуни кеча бўлиб ўтган йиғилишида эса комиссия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳаммаси ҳўзурдаги гидрометеорология хизмати марказининг маълумотлари билан танишди.

Комиссия аъзолари ўтган мажлисларда Соғлиқни сақлаш вазирилик, Табиати муҳофаз қилиш давлат қўмитаси, Экосан халқаро ташкилотининг Сурхондарё вилояти шимолӣ туманларидаги экологик вазият юзасидан ахборотларини ашитган эди. Қуни кеча бўлиб ўтган йиғилишида эса комиссия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳаммаси ҳўзурдаги гидрометеорология хизмати марказининг маълумотлари билан танишди. (Ўз мухбиримиз)

УЗУМ ШАРБАТИ ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Бухоро туманидаги «Галаосиё» ширкат ҳўжалигида ҳар йили 6-7 минг тонна узум етиштирилади. Шу пайтгача узумдан вино ҳамда майиз тайёрланарди. Яқинда соҳибдорлар яна бир хайрли ишга қўл урдилар. Бу ерда узум шарбати ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ишга туширилди. Устав жағмараси 600 миң АҚШ долларига тенг бўлган «Галаривер» Ўзбекистон — Қозоғистон қўшма корхонаси мазкур ширкат ҳўжалиги, Тошкентдаги «Меҳнат» агрофирмаси ҳамда Қозоғистоннинг «Иверинвест» компанияси ҳамкорлигида вуждуга келди. Корхонада йилига 10 миң тоннагача хомашё қайта ишланади. Бу эса ҳўжаликка йилига 500 миң АҚШ доллари олиб келади.

— Узум шарбатига хорижда талаб катта, — деди «Галаосиё» ширкат ҳўжалиги раиси Улмасжон Раҳматов. — Ҳозирча узум шарбати Қозоғистонга экспорт қилинмай. Келгуси йилдан бошлаб эса россияликлар «Галаривер» тамғаси биланган шарбатлардан баҳраманд бўладилар. 2006 йилда кам қувватли винолар ишлаб чиқаришини ҳам йўлга қўямиз.

Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҚИШЛОҚДА УН ЗАВОДИ

ЖИЗЗАХ (ЎзА мухбири Тошкул Бекназаров). Галларол туманидаги 1-Қангли қишлоғида Туркиянинг «Узберт» фирмаси сармоси билан ун заводи ишга туширилди.

Собик «Сарбозор» матлубот-саавдо хиссадорлик ҳаиятининг фойдаланилмай ётган биноларини қайта таъмирлашиб, хориждан келтирилган тегирмон линияси ўрнатилди. Янги корхона бир кеча-кундузда 70 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Корхонада 25 киши меҳнат қилмоқда.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА



Қарши шаҳар аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш ва иш билан таъминлаш меҳнат бўлимида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, яқинда бу ерда 2005-2007 йилларга мўлжалланган иш билан банд бўлмаган шаҳар хотин-қизларини янги ва муким иш жойлари билан таъминлашнинг асосий йўналишлари ҳамда кўрсаткичлари дастури ишлаб чиқилди. Бўлим ташаббуси билан оилавий тадбир-

Иқтисодиёт ва ислоҳот

Юртимизда айни қўз палласи. Пахта ҳосилини териб олиб, қабул пунктларига етказиб бериш авжиди. Бундай долзарб кунларда қишлоқ ҳўжалиги меҳнатқашларига мадад керак. Акциядорлик-тижорат «Пахта банк» жамоаси уларга мададкор бўлмоқда.

Жумладан, пахта йиғим-теримида, хомашёни транспортда ташини ва тайёрлашда қатнашадиган ходимлар меҳнатига ўз вақтида ҳақ тўлаш учун банкнинг барча вилоят бошқармаларида ва туманлардаги филиалларида қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «Пахта банк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси асосий эътиборни иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айландирмасига жалб қилиш, мини-банклар тармоғини кўпайтириш, банкни капиталлаштиришга қаратиб, омонатчилик, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредитори манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ўзининг стратегик ривожланиш бизнес режаси кўрсаткичлари тўлиқ бажарилишини таъминлаш бора-сида кўпгина ишлар олиб бормоқда. Вилоят бошқармаси тасарруфидан барча туманларда жойлашган 17 та филиал ва 30 та

минибанк фаолият ҳажмини кенгайтириш учун қулай имконият яратди. Ҳўсбот йилнинг 8 ойи давомида янгидан ҳисоб рақамини очган ҳўжалик субъектлари сони 800 тага ошди, банк акциядорлари сони эса 3000 тани ташкил этди. Банкнинг 2005 йил 1 сентябрь ҳолатига кредит қўйилмалари жами 25,1 млрд. сўмга етди. 2005 йил давомида қишлоқ ҳўжалиги ва «Агротехсервис» корхоналарига ҳар хил русумдаги тракторлар, шу жумладан «Олтой» русумли Т-4 трактори ва бошқа эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун 2,0 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Шунингдек, лизинг асосида 2 та муқобил машина-трактор паркига 2 дона «ДОН-1500 Б» русумли комбайн олиб берилди. 2005 йил давомида қишлоқ ҳўжалик корхоналари ҳамда фермер ҳўжаликларига пахта ва галла ҳосилни етиштириш мақсадида ҳам 15,4 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Шундан пахта ҳосили учун 14,0 млрд. сўм ва галла

ҳосили учун 1,4 млрд. сўм. Шунингдек, вилоятда 43 та зарар ҳўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат ҳўжаликларини фермер ҳўжаликларига айлантириш боис уларга хизмат кўрсатиш учун

ҳосили учун 1,4 млрд. сўм. Шунингдек, вилоятда 43 та зарар ҳўриб ишлайдиган, паст рентабелли ва истикболсиз ширкат ҳўжаликларини фермер ҳўжаликларига айлантириш боис уларга хизмат кўрсатиш учун

аҳолисининг 973 нафари янги иш ўринлари билан таъминланди. Хорижий кредит йўналишларини жалб этиш ва ўзлаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Асосий эъти-

ҚУТЛУФ НИЯТ

вилоят бошқармаси томонидан 6 та минибанк ташкил этилди. Ҳозирги кунда 450 дан ортиқ фермер ҳўжаликларини банк миждозларида кредит ажратилди. Шунингдек, 89,1 фоизи узоқ муддатларга ва 10,9 фоизи қисқа муддатларга тўғри келади. Ажратилган кредитларнинг 800,0 млн. сўми айнан бошланғич сармояни шакллантириш учун йўналтирилди. Банк томонидан берилган кредитлар эвазига вилоят

Суратларда: шаҳарда ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида лавҳалар. Абдурашул ПАРДА олган суратлар

«Пахта — 2005»

Дехқоннинг қадри у уйған хирмоннинг қадди-басти билан ўлчанади. Айни пайтда ана шу хирмонларда унинг қадрига нечоғли етилгани ҳам ўз аксини топади. Дехқон ўзлигини намойиш этиши, маҳорати ва тажрибасини тўла ишга солиши учун бир қатор омиллар зарур. Аввало у ўз ерига, сара уруғига, техникасига, улловига, ўғит, ёниғи учун зарур маблағига эга бўлиши керак. Ана шулардан бирортаси етишмаса иши чала қолади, режа удалланмайди, меҳнату маҳорат иш бермай қолади.

Вилоятда биринчи бўлиб шартнома режасини бажарган Поп туманида ҳозиргача 37 минг тоннадан ортиқроқ пахта тайёрланган бўлиб, ялпи ҳосилини 40 минг тоннага етказиш учун кураш кетаётган экан, унинг 72 фоизи фермерлар чекига тушмоқда. Бирор фермер йўқки, ҳосилдорликдаги курсаткичи ширкат ҳўжалигидагидан сарф бўлсин. Демак, у эгаллик туйғусини, масъулиятини тўла ҳис этиб, уруғнинг сарасини танлаб экиди, ҳар қарич ер унуми учун курашди.

изни чамалаб турибмиз. Бугунгача пахтадан 132 миллион 300 минг, галладан 137 миллион 400 минг сўм даромад қилдик ёки пахтадан 36 миллион, галладан 43 миллиондан зиёдрок фойда олдик.

Уйчи туманидаги Абдувоҳид ҳожи Махмудов раҳбарлик қилаётган «Соҳибжон» фермер ҳўжалиги эса режасини 112 фоизга бажариб, 138 тонна пахта сотди, ҳосилдорлиги 34 центнерга етди. Ҳали даласида ҳосил мўл.

Дарвоқе, бу йил Учқўрғон ва Норин туманлари пахтакорлари учун жиддий синов бўлди. Майнинг тўртинчи кунидан 13 июнга қадар Учқўрғонда 17 марта жала, тўрт марта дўн ёғди. Ана ўзини тутиб олган гўза ниҳоллари катта талафот кўрди. Бу ерларнинг бари фермерларга тегишли эди. Тажрибали дехқонлар бузиб қайта экишдан кўра, озиқлантириш, ишлов бериш, ола ерларга чигит экиб, аввалгиларга етказиб олиш чораларини кўрди. Дефолиация вақтида ўтказилиб, гўза барглари тўқтирилди. Натижада 13 минг 500 гектар ердан 30 центнердан ҳосил кўтарилиб, 38 минг 400 тонналик хирмон уюлди, режа удалланди. Гарчи, теримга вилоят бўйича энг охирида — 17 сентябрда тушилган бўлса-да, теримчилар шиддати, терим машиналари киритган баракат туйғули 24 кунда мақсадга эришилди.

Норин туманида эса неча йиллардан буён ероти зах сувининг юзага чиқиши дехқончиликка ҳам, аҳоли хонадонларига ҳам зарар келтирарди. Республика ҳукумати ва вилоят ҳокимлигининг ғамхўрлиги ҳамда кўмаги билан мелиорация ишлари олиб борилди. Сизот сувлар чекинди. Натижада бутунча фермерлик туманига айланган Норинда ҳам 23 минг тоннадан зиёд пахта тайёрланиб, режа олдингилар сафида бажарилди.

Тўрақўрғон, Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мажбурий ҳисобига пахта йиғим-терими ҳам сира бўшатирилмаган ҳолда ўзаро мусобақа асосида давом эттирилмоқда.

Наманган заминиде ер ўз эгаларига топширилгани тасдиқ топдики, вилоят хирмонининг 58,4 фоизини фермерлар етказиб беришди.

Ана энди Наманган хирмони бут, наманганлик дехқоннинг кўкси осмон, шоиру ҳофизларининг тили буройлиги замирида истиқлолнинг дехқонга берган имкониятлари, ҳукуматнинг унинг қадрига етиш йўлидаги сай-ҳаракати, қўрсатган ғамхўрлиги берган самара аён бўлиб турибди.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ишлов-ҳўлларнинг асл моҳияти ҳам шу: дехқон қадрини улуғлаш билан хирмонлар бастини юксалтириш.

Қадрингиз тўқилмасин, қадрингиз бўқилмасин голиб юртдошлар!

Ҳожи Абдулло, Ҳасанов Халқ Шоир, Носиржон Дехқонов, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Мингбулук туманидаги илгор теримчилар Мулиса Арзиматова ва Нигора Абдуразоқова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

НАМАНГАН КАРВОНЛАРИ

Ўн йиллик танаффусдан сўнг наманганлик пахтакорлар Ватан хирмонига 261 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бериб, шартнома режасини шараф билан удалашди.



умумий қўрсаткич. Аммо фермерлар ҳиссасига тушган экин майдонларида бу қўрсаткич анча юқори.

Пахтачиликнинг ўзидан 71,4 миллиард сўм даромад олиб, 9,1 миллиард сўм соф фойдани кўзлаётган вилоят дехқони қувонмасинми, тупроқни қафида элагандай ерга меҳрини бериб, қўшининг нурларидан бино қилган гўзанинг ҳосили хирмонхирмон кўри билан осмонга ўрлаб, шаънига зийнат, шавқатига нарвон бўлиб турганда сеvimай бўладими.

Гўзалар қийос гулга кирганда тўрақўрғонлик Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураим Ҳомидов даласида бўлган эдик.

— Табиат талафот етказмаса режани сентябрдаёқ бажарамиз. Мени айтган эди дерсиз, бу йил ҳўжалик ёки туманига эмас, вилоятимиз ҳам режани қўйилмапти. Республика ва вилоят раҳбариятининг қишлоқ ҳўжалигига бераётган эътибори, албатта натижасиз қолмайди...

Ҳолбуки, вилоятда ўтган йил

Поп туманидаги «Мустақиллик» фермер ҳўжалиги олти йилдан буён фаолият кўрсатади. Ҳўжаликка Фафуржон Қўчқоров раҳбарлик қилади. У ҳўжаликни тузишда ер танлаб, имтиёз сўраб юрмаган 129 гектарлик пахта майдонидан 49 гектари унумдор Ғурумсарой қишлоғида бўлса, 80 гектари Сирдарёнинг сўл соҳилидаги тошлоқ, Қўштепадаги қумлоқ ерларда... Яна 140 гектар галла майдони ҳам ана шунақа.

Фафуржон 4 та чопик, 2 та ҳайдов тракторларини ҳатто дефолиация қилиш учун «ОВХ» техникасини ҳам сотиб олган. Бировга зорикмайди. Ҳўжалигига ўн олти хонадон бириккан. Ҳаммаси аҳил, иноқ. Оқибатда бирор йил лафзи ерда қолмади.

У ўтган йили пахтадан 28,5 центнер ҳосил кўтарган бўлса, бу йил ҳозиргача 30 центнерга етди.

— Ҳали пахтаимиз кўп, — дейди Фафуржон, — ҳозиргача режа 115 фоизга бажарилди. 140 фо-

олинди.

— Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати қандай? Шартнома шартлари қандай бажарилмапти, — сўраймиз паррандачилик мажмуаси раҳбари Тофик МЕХТИЕВдан.

қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят бўйича жами 35300 дона пластик картонка банк миқозлари ва ходимларга тарқатилди. Вилоят бўйича 105 та терминал ўрнатилди.

Бугунги кунда республикамиз бўйлаб ўрнатилган барча терминаллар орқали «Сўм пластик картонкаси» билан коммунал тўловларни, солиқлар, почта, телефон, телеграф ва интернет алоқаларидан фойдаланганлик учун тўловларни, йўлқира ва юк ҳўқлари (самолёт, поезд, метрополитен)ни, шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини амалга ошириш мумкин.

Бундан ташқари, савдо ва умумий оватланиш корхона-

ларига ҳукуматимиз томонидан имтиёзлар берилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан чакана савдо ва умумий оватланиш корхоналари пластик картонкалар орқали амалга оширил-

ВАТАННИ ҲЕЧ КИМГА БЕРИБ ҚЎЙМАЙМИЗ...

Она сайёрада эл кўп, элат кўп, Бир-бирдан азиз, муътабар, ишжу. Юнон, Чин осмону фалакни ўпиб, Мағрур турибдилар, турурлар мангу — Самарқанд, Бухоро, Хива қайда бор, Далварзиндай асрор тева қайда бор.

Гомер достонлари, Эхсел, Софокл, Иўлбарс терисини ёпинган половон. Бир тарафда Миср, бир ёқда Бобил, Дунёнинг ҳайрати-ҳайрати жаҳон — Алломши, Гўрўғли сулатон қайда бор, «Авесто» — гулшану уммон қайда бор.

Кимга Данте улуг, кимгадир Бруно, Кимлардир Колумба кўймоқда ҳайкал, Асрлар қавридан Микеланжело Зиёси олам бергудай сайқал — Беруний, Бехзоду Бобур қайда бор, Навоийдек пиру кабир қайда бор.

Бировга музикалар сувоқли ошён Бировга тоғ Ватан, бировга — денгиз. Бадавий шаҳром деб фидо этар жон, Бировга яйдок дашт муқаддас, тенгсиз — Тўрт фасли кишвари тобон қайда бор, Ўзбекистон каби бўстон қайда бор.

Гўзал Офелия! Маҳваши жонон, Жульетта — дилларда абадий титроқ. Тумансидай ёвқур, оилбери замон — Соҳибжамол шеру, сулув қизғалдоқ — Лайли, Ширин қайда, Зухро қайда бор, Кумушой, Қурбонжон додҳо қайда бор.

Ҳақ рост! Бизда йўқдир баҳри уммонлар, Беадад ботқоғу ўрмонимиз йўқ. Ўзбек бобомиз бор — Бобо дехқонлар Меҳру меҳнатидан юрагимиз тўқ. Заранда зар ёққан кетмон қайда бор Ўзбекдай валломат дехқон қайда бор.

Уйимизнинг тўри — софдил меҳмонга, Дўстдан аямаймиз жону жаҳонни. Ким нописанд боқса пок дастурхонга, Онт ичамиз қўйиб ўртага нонни — Меҳри — ёр, қаҳри — дор ишон қайда бор, Ўзбекдай камтару камрон қайда бор.

Ғариб деб санашид бизни чамаси, Эгамиз, дедлар садаққа билан. Кўрсаки, ўтмайди бундай нағмаси, Кўрқитмоқчи бўлди, дағдага билан. Нодонни тезлади — кўзгади низо, Манқуртнинг қўлига тўтқазди пичоқ. Бир тилида шакар, бирида игво, Баланд минбарларга чанг солди олчоқ. Андижонга чўзди қонли кўлини, (Андижон! Андижон! Эҳ, баъзи боланг, Кўрмасдан қолди-я, маккор тўрини...) Дунёхўр дажжоллар бошлади найранг: Уруш эълон қилди инфомацион. Иштон балоғини шимарди ғаммон. Маломат тошлари учди биз томон, Учди фитна тўла овозу қоғоз. Жирканч ниятига етолмай, зада, Бани хуружлари харобу сароб, Тишин ғижиратлар алам-азада, «Бешичи колонна»; «Рангдор инқилоб».

Ҳали тинган эмас гарбона «юрши», Нафси тўйган эмас, нафси гўрларнинг. Ҳали тугамайди бу жанг, бу уруш, Адабин бермасанг энағарларнинг — Душманга ўзбекдай пайкон қайда бор, Ўзбекдай юртига қалқон қайда бор.

Ириб-чириб кетсин найза камонинг, Оловга ем бўлсин аслаҳахонанг. Дунёдан яроқни йўқ қилган ошинг, Бош-оёқ сарпога буркарди онам. Искандардан қизил шўрғолача то, Не-не босқинларни кўриб бу тупроқ, Ўзбекка тап берди Чингиздай сулоҳ, Ватан, деб жон тикди нечааб Широқ.

Тадбир

ИСТЕЪДОДЛИ ТАЛАБАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ГРАНТИ

«LG Electronics Inc» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ўз ижтимоий дастури доирасида 2003 йилдан бошлаб мамлакатимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда «LG Грант» лойиҳасини ўтказиб келмоқда.

Бундан асосий мақсад — шартнома асосида олий ўқув юртралида ўқийётган истеъдодли ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва шунингдек Ўзбекистон — Корея ҳамкорлик муносабатларини яхшилашдир.

2005-2006 ўқув йилига мўлжалланган «LG Грант» дастурида Тошкент шаҳри олий таълим муассасаларидан йилнинг ўрта энг яхши талабаси аниқланади. Улар «LG Electronics» компаниясидан 500 000 сўм миқдорда пул грантини оладилар. Грант миқдори таълим контрактини тўлаш учун олий ўқув юрти ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ҳолиларни аниқлаш учун махсус комиссия даъвогар талабалар номзодини ўрганиб чиқади. Улар таълим олишининг шартнома шаклида ўқиётган, аъло рейтинг аттестациясига

эга, ўз кафедрасининг жамоат ва илмий ишида фаол иштирок этаётган, илмий нашрларда мақолалар чоп этилган бўлишлари керак. Танловнинг биринчи босқичида номзодлар ҳужжатлари кўриб чиқилиб, иккинчи босқичга тавсия этилади. Иккинчи босқичда номзодлар учта мезонда: ёзма тест, иншо ва суҳбат бўйича баҳоланадилар.

Бундай тадбирдан яна бир мақсад — грант голиблари орасидан энг яхши аниқлаш, унга Корея сафар этиш ва «LG Electronics» компаниясининг заводларидан бири билан танишиш имконияти берилди.

Шуниси қувончлики, ташкилотчилар бундай танловларни кейинги йилларда ҳам давом эттиришларини билдиришди.

Алишер РЎЗИЕВ



Хукумат таркибига қирмоқчи эмас

Германия канцлери Герхард Шрёдер мамлакатнинг янги ҳукумати таркибига кирмаслигини маълум қилди.

Гап шундаки, душанба кўни христиан демократлар ва социал-демократлар Ангела Меркель бошчилигида «катта коалиция» ҳукуматини тузишга келишиб олишди.

Меркель кейинги ҳафтада коалиция музокаралари бўлиб ўтиши ва унда янги ҳукумат режалари муҳокама қилинишини айтди. Бу йилгида бир қатор вазирларни тайинлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди.



Суннийлар ишончи ортимоқда

Ироқдаги суннийлар манфаатини ифодаловчи Ислом партияси вакиллари мамлакатнинг янги конституция лойиҳасини қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

Суннийлар конституциянинг ҳозирги кўринишида қабул қилиниши мамлакатнинг парчаланиб кетишига олиб келишидан чўчиб,

Қутқарув ишлари давом этмоқда

Покистон бош вазири Шавкат Азининг маълум қилишича, мамлакатда шанба кўни рўй берган zilzila оқибатида 23 минг одам ҳалок бўлди. Бу рақам бундан олдинроқ ички ишлар вазири томонидан эълон қилинган рақамдан 10 минг камроқдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти табиий офатдан 4 миллионга яқин одам талафот кўрганлигини таъкидламоқда. Ташкилот жаҳон ҳамжамиятига муҳожаат қилиб, жануби-шарқий Осиёдаги zilzilaдан жабр кўрганларга 272 миллион доллар ёрдам пули ажратишга чакирди.

Кашмирнинг ўзида 2 миллионга яқин одам бошпанасиз қолди. Яна бир миллионга яқин одам озиқ-овқат, дори-дармон ва сувга муҳтож.

Покистон ҳукумати муҳожаатидан сўнг, НАТО Покистонга етказилаётган халқаро инсонпарварлик ёрдамларини мувофиқлаштиришни ўз бўйига олди.

Мамлакатда олиб борилаётган кенг миқёсли қутқарув ишларига ноқулай об-ҳаво шароити халақат берапти. Эндиғина тозаланган йўллар ер қўшиқи оқибатида яна тўсилиб қолмоқда. Кучли ёмғир эса инсонпарварлик ёрдамлари етказилишига халақат бермоқда.

Ўз минглаб покистонликлар об-ҳаво совуқлашаётганига қарамай 4 кундан бери қўчада ётишга мажбур. Уларнинг ақсарияти озиқ-овқат ва ичимлик сувиде тақчиллик сезмоқда.

— Одамлар оч қоляпти. Улар ҳамма нарсасидан — яқинлари ва уй-жойларидан айрилди. Кўп одамлар вайронлар остида тириклай қўрилиб қолди, уларни қутқаришга шошилиш керак, — дейди покистонлик Акрон Шоҳ.

Покистон ҳукумати талафот кўрганларнинг ҳаммасига ўз вақтида ёрдам кўрсата олмаётганини тан олса-да, қутқарув ишлари жадаллашаётганини ҳам таъкидлади.

Мутахассисларнинг хабар беришича, бино қолдиқлари тағдид қолган эркак уч кун, аёл эса тўрт кун яшай олади. Бу эса қутқарув хизматлари шошилиш чоралар кўриши зарурлигини билдиради.

Покистонга бутун дунёдан ёрдам кела бошлади. Жумладан Қувайт ва Бирлашган Араб Амирликлари 100 миллион доллардан, АҚШ 50 миллион, Жаҳон банки эса 20 миллион доллар ажратди. Шунингдек, Ҳиндистондан 25 та юк машинасига ортилган дори-дармонларни етказиб берди.

Мамлакатнинг 31 та музофотида сув тошқинидан кўрилган иқтисодий зарар 136 миллиард юан (17 миллиард АҚШ долларини) ташкил этмоқда.

15 миллион гектар майдондаги қишлоқ ҳўжалиги экинлари сув тошқинидан яқсон бўлди.

Штаб бошлиғи Э Цзинпиннинг айтишича, ушбу мавсумда Хитойда 7 марта сув тошқинига яқин ҳудудлар, жумладан, Фүцзян, Чжецзян, Хайнан, Анхуэй музофотлари кўп зарар кўрди.

Хайриятки, сув тошқинлари мавсуми энди тугади.

ЮКСАК НАТИЖАЛАРГА ПОЙДЕВОР

ДЕЙИШМОҚДА АТ «ПАХТА БАНК» САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ХОДИМЛАРИ

халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди ҳамда 105 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Жумладан, Самарқанд туманидаги «Илонсой-Парранда» шўба корхонасининг лойиҳаси бўйича паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизациялаш мақсадида Осие Тараққиёт банк кредит линияси маблағи ҳисобидан 864 минг АҚШ долларига Германиянинг «Meller Batterien» фирмасидан технологик ускуналар сотиб

— Ҳозирча ишларимиз яхши. Кредитнинг ҳаммасини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфладик. Паррандабоқарларимиз астойдил ҳаракат қилишяпти. Аслида лойиҳанинг бизнес режасига асосан йилга 15-17 млн. дона тухум тайёрланиши кўзда тутилган. Лекин ҳозиргача истеъмолчиларга 37,6 миллион донадан зиёд тухум етказиб бердик. Дарвоқе, 17 та янги ишчи ўринлари ҳам яратилди.

Бугунги кунда республикамиз бўйлаб ўрнатилган барча терминаллар орқали «Сўм пластик картонкаси» билан коммунал тўловларни, солиқлар, почта, телефон, телеграф ва интернет алоқаларидан фойдаланганлик учун тўловларни, йўлқира ва юк ҳўқлари (самолёт, поезд, метрополитен)ни, шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини амалга ошириш мумкин.

Бундан ташқари, савдо ва умумий оватланиш корхона-

ларига ҳукуматимиз томонидан имтиёзлар берилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан чакана савдо ва умумий оватланиш корхоналари пластик картонкалар орқали амалга оширил-

чеклари қитандилар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

АТ «Пахта банк» томонидан сўм пластик картонка эгалари учун картонкадаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2 фоиз, ойма-ой капитализацияси билан эса йиллик 30 фоиз устама даромад қўшилади.

Шунингдек, аҳолига мумкин қадар қўлайлиқлар яратиш ва коммунал хизмат ҳақларини ўз вақтида йиғиб олиш мақсадида тўққизта туманда махсус кассалар очилиб, фаолият кўрсатилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси «Пахта банк» вилоят бошқармаси бугунги кунда реал иқтисодиётни кредит ресурслари билан таъминлашда тобора нуфузли мавқега эга бўлиб бораётганидан ёрқин далолат.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРҲАБИБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари



Таълим ислоҳоти

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ

тарбия тизимини тўғри шакллантириш ёш авлод камолотида муҳим ўрин тутadi. Устоз-шогирдлик аънаъиси эса бу жараёнда энг самарали ва таъсирли воситалардан ҳисобланади.

балар билан индивидуал тартибда иш олиб борилади. Чунки кейинги пайтларда маънавий-маърифий ишларни мана шу усулда олиб бориш самара бераётганлиги кузатиш мумкин.

Анвар САМАДОВ

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

МУРУВВАТ ПОЕЗДИ



«Сихат-саломатлик» Давлат дастури йўналишлари доирасида шу йилнинг 19 сентябрь кунин Оролбўйи минтақаси аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун жўнаб кетган Навоий — Урганч — Нукус йўналишидаги «Мурувват» поезди Тошкентга қайтиб келди.

«Мурувват» поездида терапевт, педиатр, акушер-гинеколог, невропатологлардан иборат 10 нафар малакали шифокорлар гуруҳи республикамизнинг Навоий, Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси кишлоқ аҳолисига тиббий-ижтимоий патронаж хизмати кўрсатди.

«Мурувват» поезди Навоий вилоятининг Қонимех, Зарафшон, Учқудук, Амударё туманларида 1126 нафар кишини тиббий-қўриқдан ўтказиб, хайрия ёрдами кўрсатди. Урганч, Шовот, Қўшқўллар, Янгиариқ туманларида 765 нафар киши тиббий-қўриқдан ўтказилди, касаллиги аниқланганларнинг 90 фоизи дори-дармон билан таъминланди.

«Мурувват» поезди ўтказган текшириш якунига қўра, обқларнинг тугма ногиронлигига, жасуяқ касаллиқларига ва онкология хасталиқларига чалинган 8 нафар бемор пойтахтга даволаш учун келтирилди.

Тиббий-қўрик жараёнида беморларнинг вилоят, туман шифохоналарида даволаниши н назорат остига олдиқ, — дейди «Мурувват» поезди гуруҳ раҳбари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бўлим бошлиғи Муҳаррам Ботирава. — Гуруҳимиз хар кун саҳардан шомгача ишлади. Сабаби марказдан узоқдаги кишлоқ ва овуллардан, «Автобуланс»ларимиз боролмаган жойлардан одамлар отда келишиб, тиббий қўриқдан ўтиш истагини билдиришди. Уларнинг эртанги кунга катта умид билан қарашлари руҳимизни кўтариб юборди.

Оролбўйи минтақаси аҳолиси орасида ўтказилган тиббий қўрик натижасига қараганда, хали бу борада ечимини толмаган муаммолар ҳам мавжуд. Вилоятларнинг узоқ кишлоқ врачлик пунктларида умумий амалиётчи шифокорлар, айниқса, махсус мутахассис кадрлар етишмаслиги аниқланди. Утказилган тадбир тўғрисида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли ташкилотларга гуруҳимиз якуний ҳулосасини тақдим этди. Ўйлаймизки, мутасаддилар бу борада қоратдирилган белгилариди.

Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

«ИНФОТЕКСТИЛЬ — 2005»

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтида «Ахборот-коммуникация технологияларини тўқимачилик ва энгил саноатда қўллаш» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

АЗАЛИЙ НАВОЛАР ТАРАЛДИ

Тошкентда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Республика халқ иқодиёти ва маърифий ишлар илмий методика маркази, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Махалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда «Барҳабт наволар» қўриқталовини ўтказди.

Танловда дастлабки босқич голиблари ўзaro бахшландилар. Пойтахтнинг Чилонзор тумани, Глиэр номи маданият уйи қошидаги «Наво» карнай-сурнай гуруҳининг чиқиши, Навоий вилояти, Хатирчи туманидан Нурилла Ерқулов ижросидаги чанқовуз куйлари, қашқадарёлик Сафарали Иброҳимовнинг сибизга навоиси, Тошкентнинг Ҳамза туман маданият уйи қатнашчиси Матрасул Матқубовнинг буламон созида ижро этган куйлари ҳамда хоразмлик Йўлдош Тоҳиевнинг қўшнанин моҳирона чалиши ҳақамлар хайрати томонидан юқори баҳолашиб, биринчи ўрин берилди.

Чарос ШОФАЙЗИЕВА



Фиденинг жаҳон чемпионлиги учун Аргентинанинг Сан-Луис шаҳрида ўтаётган чемпионат баҳслари яна икки турдан сўнг поёнига етди.

ЯНА ИККИ ТУРДАН СЎНГ...

жонов дунё шохмат таснифи пешқадамларидан бири Вишванатан Ананд (Ҳиндистон)га қарши донa сурди. Бу жуфтликнинг биринчи даврадаги баҳси халқаро гроссмейстеримиз ғалабаси билан якунланганди. Жавоб учрашувида эса Ҳиндистонлик шохматчиға омад кулиб боқди.

Чемпионатнинг ўн иккинчи турида вакилимиз буюк британиялик Майкл Адамсга қарши баҳс юритди. Олти соату 43 дақиқа давом этган ушбу партиянинг эзлик тўртинчи юришида томонлар дурангга

Инсон хотираси — азиз

ОРИЯТ УСТУНИ ЭДИ

Бу совуқ хабар бир зумда қалбларни қалқитиб, юракларни чакмоқдек тилиб ўтди. Чунки Озод акани ҳамма биларди, танирди, хурмат қиларди. Озод ака том маънода халқ фарзанди эди. У кишидан фақат одилликни, ёлғон яшамасликни, оддий инсонлар дарадига шериқ бўлишни, Ватанга муҳаббатни, китобга чин илхосни ўрганиш мумкин эди.

Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳордек етук алломалар кўзига қараб рост сўзни айтолган Озод Шарофидиновнинг сўзи хар қандай шоир ёки ёзувчи томонидан ҳақиқатдек қабул қилинарди. Чунки бир қарашда содда кўринган бу инсоннинг тафаккур тиги қилчдек кескир эди.

Домла сохталикни, ёлғонни кечирмасди. Озод аканинг рост сўзларини, ўгитларини, кези келганда қойишларини ҳам эшитганман. Камтарин иходим давлатимизнинг юксак унвонига муносиб топилган куннинг эртасигаёқ устоз хузуралига бордим. Шодон кайфиятда қарши олиб, қўладилар. Сўнг сўхбат давомида гап айланиб Паркентнинг узуми, меваларига тақалди.

— Қўзик, — дедилар устоз самимий жилмайиб, — шу пайтгача олмага олма, узумга узум деб қараб келган экманан. Одам тўрт мўчаси соғ бўлиб, чолиб юрганда кўзига ҳамма нарсa оддий кўринар экани... Қўлимга олиб қарасам, олма ҳақиқий мўжиза экан. Ундаги тарам-тарам изларни ким чизган, битта олма ичига шунча муаттар хидни ким жойлаган? Узум ҳам бир мўжиза-ку! Нега шунинг аввалроқ англаб етмадим. Сизга қулгили туйилмасин-у, баъзан миямга келган фикрдан ўзим уялиб кетаман. Наҳот энди кетиб қолам... Наҳот ана шу мўжизалар ҳаммаси қўлиб кетади?..

— Ундай деманг, устоз, — дедим, — аямни олиб Паркентга чиқинг. Бироз ҳаво олиб келасизлар... — Албатта чиқамиз, — дедилар юзлари ёришиб. — Англизни ҳам қўйнаб юбордим. Озгина хордиқ чиқарса яхши бўларди.

Афсус, устоз билан бўлган сўнгги сўхбатимиз хотиралигича қўлиб кетди. Дунёнинг мўжизазалари, гўзаллиги, устознинг бемор нигоҳларига сийма қолган хайрат олами энди бир туйдай бўлиб қолди. Илоҳим, устознинг охиратлари обод бўлсин. Бу шеър эса шогирдлар соғинчининг нидосидир:



Тўқилмоқ йўқ тўлмай қолганга, Гулзорлар бор сўлмай қолганга, Бир ўлмоқ бор ўлмай қолганга, Осмон бугун паст келди, устоз, Кетганингиз рост келди, устоз.

Азал қалбан озод эдингиз, Қадди доим шамшод эдингиз, Рост сўз айтиб сиз шод эдингиз, Видо билан қайтгим йўқ, устоз, Авлидо деб айтгим йўқ, устоз.

Дард бўлганга дард ҳам пушаймон, Армонлиқдан лол қолар армон, Эй дарёдил, эй метин инсон, Жонни ўтга солдингиз, устоз, Оташ бўлиб қолдингиз, устоз.

Шафоатли Шарофат ая, Садоқатли Шарофат ая, Бошингиздан минг ўргилди-я, Ая сизга тоғ бўлди, устоз, Бағрингизда боғ бўлди, устоз.

Адабиёт одил сўз деган, Қадрига ет қаро кўз деган, Ёлғон ёзган қўлни кес деган, Сиз тўғри сўз тумори, устоз, Тутар шу сўз хумори, устоз.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

Интер-спорт

НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ

Ўтган шанба кунин Англия терма жамоаси Австрия футболчиларини 1:0 ҳисобида ютиб, чемпионат финалига йўлланма олгандан кейин инглиз футбол фанатларидан оз минг нафари Германияга бориш истагини билдириган. Британия полицияси эса футбол учрашувлари чоғида одобсизлик ва безорилик қилган мухлисларни алоҳида назоратга олмақда. Ҳозирча полиция рўйхатиға тўшган фанатлар 3 мингдан ортироқ бўлиб, уларнинг аксарияти Германияга бориш-бормаслиги номаълум бўлиб турибди. Англия полицияси стадионларда тартибсизликни асосан фанатлар эмас, балки ичкиликбозликка берилган мухлислар кўпроқ амалга оширади, деган фикрда.

АНРИ ҚАНЧА МАОШ ОЛАДИ?

Лондоннинг «Арсенал» футбол клуби Тьерри Анри учун ёнғ юқори маош беришга тайёр.



Гап шундаки, бу футболчи келгуси йил ёзда шартнома-си туғашини билса-да, муддатини узайтириш ҳақида бундан ташвишга тўшган «Арсенал» клуби президенти Питер Хилл-Вуд шу пайтгача Патрик Виейраға ҳафтасига тўлган 82 минг фунт стерлинг (143.700 доллар)дан ҳам ортироқ маош беришга тайёр эканини билдирган. Йигирма саккиз ёшга тўлган Анри шу кунларда ҳафтасига 75.000 фунт стерлинг ҳисобида маош олаётган эди.

Тошкент шаҳар Учтепа (Собик Акмал Икромов) туманидаги 4-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Камола Юсупдиқанова Пиримқуллова номига 0010219 рақами билан берилган таянғ маълумоти (аттестат) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Farruh HAMROYEV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Ekologiya, salomatlik va odeb-ahloq, Xatlar va ommaviy ishlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.